

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИИДАГИ ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

Сафаров Сойиб Бердиевич

Тошкент давлат техника университети “Ўзбекистон
тарихи” кафедраси докторанти

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тарихимизни ҳолисона ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилиб, уларни оммага етказиш олимлар олдида долзарб муаммо қилиб қўйилди¹. Айниқса, тарихий обидаларга бой шаҳарларимизни барпо қилиниш тарихларининг ўрганилиши, Сурхондарё вилоятидаги археологик ёдгорликлар расмий рўйхати тузилишида муҳим аҳамият касб этади. Улар тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар асосида давлат ҳимоясига олинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 846-сонли қарори билан Сурхондарё вилоятида жами 561 та моддий маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 декабрдаги 1996 йилни “Амир Темур йили” деб эълон қилиш тўғрисидаги ПФ-1333 сонли фармонида биноан буюк давлат арбоби туғилган кунининг 660 йиллиги муносабати билан 1996 йил 26 апрелда “Амир Темур орденини таъсис этиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган. 2014 йилнинг 22 август куни Президент фармонида биноан Термиз шаҳри мазкур орден билан тақдирланган².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони, ЎзР ВМнинг 1998 йил 5 мартдаги “Музейлар фаолиятини қўллаб қувватлаш масалалари” тўғрисидаги 98-сонли ҳамда 1999 йил 27 декабрдаги “Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги 545-сонли қарорлар асосида 2001 йилда “Термиз археология музейи” ташкил топди³. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда дунёнинг Франция, Германия, Япония, Италия, Польша ва Австралия каби давлатлардан етакчи олимлар келиб, ўзбек олимлари билан ҳамкорликда Сурхондарё вилоятида

¹ Зийёев Ҳ. *Тарих ўтмиши ва келажак кўзгуси*. – Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёти, – Б.3-58.

² Халқ сўзи. 2014 йил 23 апрель.

³ Сурхондараё вилояти давлат архиви. 1091-фонд, 1-руйхат, 1442-жамғарма, 59-60 varaқлар.

археологик қазышма ишларини олиб борганлар ва бу ишлар ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда. Жумладан, 1989 йилдан япон археологлари билан биргаликда ЎзР ФА Санъатшунослик институтининг “Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси” таркибида Сурхондарё вилоятининг Далварзинтепа, Фаёзтепа ва Қоратепа археологик ёдгорликларида олиб борилган тадқиқот ишларида фаол иштирок этган Кюдзо Като (1922-2016) халқаро Буюк Ипак йули академияси директори, Республика “Дўстлик” ордени нишондори ҳисобланади. Олим воҳанинг маданий ва тарихий ёдгорликларини мероси Япония ва бутун дунёга танитишда хизмат қилгани учун Термиз шаҳар ҳокимининг 2002 йил 20 майдаги 604-сонли қарори билан “Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси” деган шарафли унвонга сазовор бўлди⁴.

2015 йилда Алибойтепа ёдгорлигида қазышма ишлари олиб борилиб, у ёдгорликнинг санаси эрамиздан аввалги 2 минг йилликка тегишлилиги аниқланган бўлса, 2016 йилда Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедициясининг Бургутқалъа ёдгорлигида олиб борган археологик тадқиқотлари Бургутқалъада тошдан ясалган муҳофаа девори, хом ғиштлардан қурилган уйлар хона полига сополлар терилган бўлиб, диний маросимлар ўтказилган. Бактриянинг Яз I даврига оид маданият макони топилди. Унда 7 та қишлоқ типидagi ёдгорлик, 24 та қўрғон, 130 дан ортиқ петроглиф, яхши сақланган ирригация тизими мавжуд бўлган. Кухитангдаги Каптар Камар ғорида Ш.Шайдуллаев бошчилигидаги экспедицияда ғор қадимги даврда аҳоли яшаган манзилгоҳ эканлигини, ундан унча узоқ бўлмаган жойда Зараутсой ва Зарауткамар ғорлари расмлари ва неолит даври ёдгорликлари мавжудлиги билан алоҳида қимматга эгаллиги аниқланди⁵.

ЎзР ВМнинг 2001 йил 2 февралдаги 57-Ф фармойишини бажариш бўйича тарихий ва маданий ёдгорликларни 2001-2002 йилларда таъмирлаш учун 270 млн. сўм маблағ Маданият ишлари вазирлиги томонидан молиялаштирилган. Жумладан, 2004 йилда Шайх Аттор Валий, 2005 йилда Хайдаркул хожи бобо мақбараси, 2006 йилда Султон Санжар Мозий мақбаралари шарқона ва замонавий усулларда қайта қурилди. Шайх Аттор Валий ва Султон Санжар Мозий зиёртагоҳларида тушадиган маблағларни ҳисоб китобини назорат қилиш учун махсус мутаваллилар бириктирилди.

⁴ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 1091-жамғарма, 1-руйхат, 1447-йиғмажилд, 53-варақ.

⁵ ЎзР Маданият вазирлиги Маданий мерос департаменти архиви. А-1134, Ш-12. Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедициясининг 2016 йилда Бургутқалъа ёдгорлигида олиб борган археологик тадқиқотлари ҳисоботи.

2006 йилда Узун туманида “Олтин мерос” жамғармасига қарашли 1 та Оқ Остона бобо мақбараси замонавий таҳоратхона қурилди. Ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Музработ туманида жойлашган Музработ ота ва Чўпонота зиёратгоҳлари 2006 йилда ободонлаштирилиб, ушбу машҳур шайхлар қабрлари устида мақбара ва гумбазлар ўрнатилди. Қизирик туманидаги Такия ота ва Чилгаз ота зиёратгоҳларида ҳам таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси маданий мерос агентлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иштирокида вилоятда таъмирлаш реставрация ишлари олиб борилиб, маҳаллий ва республика миқёсидаги маблағлар ҳисобидан таъмирланган. Жумладан, 2017 йилда таъмирланган объектлар: Термиз шаҳридаги “Александр Невский” архитектура ёдгорлиги (97 млн сўм маблағ), Қумқўрғон туманидаги “Искандар кўприги” архитектура ёдгорлиги (72 млн 750 минг сўм маблағ), Денов туманидаги Саид Оталиқ архитектура ёдгорлиги (533 млн 500 минг сум маблағ) ажратилиб таъмирланган. 2019 йилда Республика бюджетидан Денов туманида жойлашган Саид Оталиқ мадрасаси учун 550 млн сўм маблағ ажратилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилди⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2021 йил 25 январдаги №06-06/208-сонли қарори билан вилоят бўйича маданий мерос ёдгорликларида қайта хатловдан ўтказиш ишлари олиб борилди. Ўрганишлар натижасида ёдгорликлар аянчли аҳволда эканлиги аниқланди. Жумладан, Бойсун туманида 74 та маданий мерос объектлари 5 тасида ноқонуний ҳолатлар кузатилиб, рўйхатдаги 16 та объект топилмаган ва 1 та объект қабристонга айлантирилган.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш керакки, Мустақиллик йилларида археологик экспедиция ишлари кўплаб маданий ёдгорликларнинг тарихини тиклашда ва қайта яратишда муҳим кадам бўлди. Бу жараён Ўзбекистонда тарихий ёдгорликларни тиклаш соҳасидаги ютуқлари юксак эканлигини кўрсатади. Бу тарихимизнинг янги саҳифаларини очди ва ўлкамиз тарихини даврийлиги янада чуқур эканлиги аниқланди. Моддий маданий мерос объектларини ўрганиш борасида халқаро археология институтлари билан

⁶ Маданий мерос агентлиги вилоят бошқармаси ҳисоботи. Термиз шаҳри, 2022 йил июнь.

алоқаларни давом эттириш ва бу соҳага маблағлар жалб этиш муҳим ва бугунги илм-фаннинг долзарб масаласи бўлиб қолади.

Адабиётлар

1. Зиёев Х. Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёти, – Б.3-58.
2. Халқ сўзи. 2014 йил 23 апрель.
3. Сурхондараё вилояти давлат архиви
4. ЎзР Маданият вазирлиги Маданий мерос департаменти архиви
5. ЎзР Маданият вазирлиги Маданий мерос департаменти архиви. А-1134, Ш-12. Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедициясининг 2016 йилда Бурргутқалъа ёдгорлигида олиб борган археологик тадқиқотлари ҳисоботи.
6. Lex.uz